

# АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 7 СОН

ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ

ТОМ 5, НОМЕР 7

JOURNAL OF AGRO PROCESSING

VOLUME 5, ISSUE 7



# АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ | JOURNAL OF AGRO PROCESSING

№7 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9904-2023-7>

БОШ МУҲАРРИР: | ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР: | CHIEF EDITOR:

**Хамидов Мухаммадхон Хамидович**  
қишлоқ хўжалиги фанлар доктори,  
“Тошкент ирригация ва қишлоқ  
хўжалиги механизациялаш  
муҳандислар институти” миллий  
тадқиқот университети профессори

**Хамидов Мухаммадхон Хамидович**  
доктор сельскохозяйственных наук,  
профессор национального  
исследовательского университета  
“Ташкентский институт  
инженеров ирригации и механизации  
сельского хозяйства”

**Khamidov Mukhammadkhan**  
Doctor of Agricultural Sciences,  
Professor of the “Tashken Institute of  
Irrigation and Agricultural  
Mechanization Engineers” National  
Research University

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАХАТ КЕНГАШИ

**Исаев С.**, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислар институти” Миллий тадқиқот университети профессори;

**Жоллибеков Б.**, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори;

**Холиков Б.**, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти, профессори;

**Авлиякулов М.**, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, катта илмий ходими;

**Хасанова Ф.**, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти, профессори;

**Худайев И.**, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислар институти” Миллий тадқиқот университети Бухоро филиали, профессори;

**Палуанов Д.**, Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети профессори;

**Бегматов И.**, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислар институти” Миллий тадқиқот университети профессори;

**Уразкелдиев А.**, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, директори;

**Муратов А.**, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислар институти” Миллий тадқиқот университети доценти;

**Касымбетова С.**, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислар институти” миллий тадқиқот университети доценти;

**Атажанов А.**, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислар институти” миллий тадқиқот университети доценти;

**Алтмишев А.**, Гулистон давлат университети, доценти;

**Ботиров Ш.**, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислар институти” миллий тадқиқот университети доценти;

**Абдуллаева Х.**, Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти “Мевали дарахтлар селекцияси ва нав ўрганиш” бўлим бошлиғи катта илмий ходим;

**Джуманазарова А.**, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти доценти;

**Хидиров С.**, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислар институти” миллий тадқиқот университети доценти;

**Норкулов Б.**, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислар институти” миллий тадқиқот университети доценти;

**Фахрутдинова М.**, Мирзо-Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти;

**Турлыбаев З.**, Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университети доценти;

**Уразбаев И.**, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислар институти” миллий тадқиқот университети доценти;

## РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

**Исаев С.**, профессор Национального исследовательского университета “Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства”;

**Жоллибеков Б.** проректор по научной работе и инновациям Каракалпакского института сельского хозяйства и агротехнологий;

**Холиков Б.**, профессор НИИ хлопководства, семеноводства и агротехнологии;

**Касымбетова С.**, доцент Национального исследовательского университета “Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства”;

**Атажанов А.**, доцент Национального исследовательского университета “Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства”

**Алтмишев А.**, доцент Гулистанского государственного университета;

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


<b>1. Уразбаев Илхом, Хамидов Мухамадхан</b> ЖАНУБИЙ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИНИ ҒЎЗАНИНГ МАҚБУЛ СУҒОРИШ ТАРТИБИ.....	5
<b>2. Bozarov I.O., Raxmonov Sh.Q.</b> MASOFADAN ZONDLASH (NDVI) YORDAMIDA O‘SIMLIKLAR O‘ZGARISHINI ANIQLASH – O‘RTA CHIRCHIQ TUMANI MISOLIDA.....	10
<b>3. Равшанов Алишер</b> СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЭҲТИЁЖЛАРИГА МОС ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИЁСАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	15
<b>4. Шеров А.Г.</b> МОДЕЛИРОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЕ ЭКСПЛУАТАЦИИ МАГИСТРАЛЬНОГО КАНАЛА.....	26
<b>5. Farokhiddin Uljayev, Yaxshiboyev Mirolimjon</b> IMPROVING THE RELIABILITY OF OPERATION OF THE COMPLEX OF STRUCTURES OF THE KUYGANYAR HYDRAULIC UNIT.....	30
<b>6. Botirov Shavkat</b> SUV TEJOVCHI TEXNOLOGIYALARINI JORIY QILISHGA E‘TIBOR.....	36
<b>7. Khasimbek Isabaev, Ilkhom Urazbaev</b> HYDROMODULUS ZONING OF IRRIVATED LAND OF SOUTH KARAKALPAKSTAN.....	44
<b>8. Butayarov Abduqodir</b> FERMER XO‘JALIKLARDA SUVDAN FOYDALANISHNI TAKOMILLASHTIRISH.....	47
<b>9. Усманов Наиль, Худаев Иброхим, Ахилбеков Мухат</b> МЕТОД ПЛАНИРОВКИ РИСОВЫХ ЧЕКОВ ПО ВОДЕ.....	53





**Равшанов Алишер Сайдуллаевич,**  
“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети,  
“Гуманитар фанлар” кафедраси мудири,  
сиёсий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
E-mail: alisher.ravsharov@gmail.com

## СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЭҲТИЁЖЛАРИГА МОС ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИЁСАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.00000000>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада сув хўжалиги соҳаси учун зарур кадрлар тайёрлаш сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган, таҳлил қилинган ҳамда мазкур жабҳанинг ривожланиш имкониятлари унинг такомиллашиб боришига тўсқинлик қилаётган муаммолар аниқланган ва бу бўйича керакли таклифлар бериб ўтилган. Шунингдек, талабаларни шахс сифатида шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб ўтилган. Бу, энг аввало, уларда ўзини такомиллаштириш истагининг кучайиши ва ўқишга бўлган қизиқишининг ўсиши билан характерланиши аниқланган.

**Калит сўзлар:** ирригация, етук кадрлар, сув хўжалиги, таълим, инновацион ресурслар, инсонпарварлик, креативлик, конфиденциаллик.

---

**Равшанов Алишер Сайдуллаевич,**

Национальный исследовательский университет «ТИИИМСХ»,  
Заведующий кафедрой «Гуманитарные науки»,  
Доктор философии (PhD) Политические науки  
Электронная почта: alisher.ravsharov@gmail.com

## ОСОБЕННОСТИ ПОЛИТИКИ ПОДГОТОВКИ ЗРЕЛЫХ КАДРОВ ДЛЯ ПОТРЕБНОСТЕЙ РАЗВИТИЯ СЕКТОРА ВОДНОГО ХОЗЯЙСТВА

### АННОТАЦИЯ

В данной статье изучены и проанализированы особенности политики подготовки необходимых кадров для сферы водного хозяйства, выявлены возможности развития этого направления, проблемы, препятствующие его совершенствованию, и сделаны необходимые предложения. Также показаны особенности формирования и развития студентов как личности. Прежде всего установлено, что для них характерно растущее стремление к самосовершенствованию и растущий интерес к учебе.

**Ключевые слова:** ирригация, зрелые кадры, водное хозяйство, образование, инновационные ресурсы, гуманизм, креативность, конфиденциальность.



**Ravshanov Alisher Saidullaevich,**  
"TIAME" National Research University,  
Head of the Department of Humanities,  
Doctor of Philosophy (PhD) Political Science  
Email: alisher.ravsharov@gmail.com

## FEATURES OF THE POLICY FOR TRAINING MATURE STAFF FOR THE DEVELOPMENT NEEDS OF THE WATER SECTOR

### ANNOTATION

This article studies and analyzes the features of the policy for training the necessary personnel for the water sector, identifies opportunities for the development of this area, problems that impede its improvement, and makes the necessary proposals. The features of the formation and development of students as individuals are also shown. First of all, it has been established that they are characterized by a growing desire for self-improvement and a growing interest in learning.

**Key words:** irrigation, mature personnel, water management, education, innovative resources, humanism, creativity, confidentiality.

Республикамизнинг ҳозирги кундаги сув хўжалиги соҳаси учун зарур кадрлар тайёрлаш сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, таҳлил қилиш мазкур жаҳоннинг ривожланиш имкониятлари, унинг такомиллашиб боришига тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлашга ёрдам беради. Бу борада, олиб борилган кузатишлар ва илмий таҳлиллар натижалари шундан далолат берадики, сув хўжалигида янги воситалар ва инновацион технологиялардан фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги ортишига ва энг асосийси, ресурслар тежалишига эришишда асосий омил бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиз.

Аmmo бу соҳадаги инновацияларнинг барчасини ишга солиш ва исталган юксак натижадорликка эришиш учун замонавий фикрлайдиган, иқтидорли ва билимли ирригаторларнинг янги авлодини тарбиялаш ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Президентимиз Ш.Мирзиёев кадрлар тизими фаолиятига танқидий баҳо бериб, “Ҳозирги вақтда давлат ва ҳокимият идораларида кўп ҳолларда кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг вазифа ва ваколатлари тақсимоти оқилона ва самарали йўлга қўйилмагани сезилмоқда. Энг ёмони, бу ҳолат ишимизга халақит бермоқда. Бир идорани қарасангиз, юзлаб одам номига ишлаб ўтирибди. Бошқа идорани қарасангиз, иш кўп, вазифа кўп, лекин ишлайдиган одам, кадр етишмайди. Бундай нотўғри иш тақсимоти мутлақо чек қўйишнинг вақти етди” деган фикрни билдирган эди.

Бундан шуни англаш мумкинки, қишлоқ ва сув хўжалигига қанчалик янги, инновацион ресурслар, тежамкор ва самарадор технологиялар билан бирга, билимли ва иқтидорли ёш авлод ирригаторлари жалб этилса, бу шунчалик кўп ютуқларга эришилишига, ҳосилдорликнинг ортишига, иқтисодий фойда ва манфаатдорлик ортиб боришига, танқис сув ресурсларининг тежалишига сабаб бўлади.

Сув хўжалиги тизимида кадрлар тайёрлаш сиёсати алоҳида эътибор қаратиш, талабалар илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш ва уни ривожлантириш, замонавий ирригаторларни тайёрлашда креатив ёндашиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университетининг асосий мақсади замон талабларига мос юқори илмий-ижодий салоҳиятга ва юксак маънавиятга эга етук кадрларни тайёрлашдир.

Мамлакат тараққиёти жамият аъзолари ва етук кадрларнинг ижтимоий фаоллиги ва илмий салоҳияти билан белгиланади. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг давлатимиз раҳбарияти томонидан мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни мустаҳкамлаш, илмий салоҳият ресурсларини ошириш мақсадида талаба-ёшларнинг илмий тадқиқот билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Бундан кўзланган асосий мақсад эса ижодий қувватни ошириш орқали давлат ва жамиятнинг инсон манфаатларига мос

даражадаги равнақиға ҳамда олий таълим тизимида юксак сифат ва самарадорликка эришишдан иборат.

Замонавий ирригаторларни илмий тадқиқот ишларига йўналтиришда университет асосий босқич ҳисобланиб, унда талабалар тадқиқотчилик фаолиятининг аниқ мазмунини ўзлаштира бошлайдилар ҳамда муайян шакллари билан мустақил шуғулланадилар.

Талабаларда ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқотчилик фаолияти – муаммоли ўқитиш тизимидаги асосий фаолият турларидан бири бўлиб, талабаларга узлуксиз равишда ўзлари учун янгиликларни кашф этишга имкон яратади. Унда талабада ижодкорлик, янгилик яратиш қобилиятини ривожлантириш ғояси етакчилик қилади.

Ижодий лаёқатлар – талабанинг янги илмий фикрлар айтиши, таълим методлари усул ёки воситаларини ўзи мустақил яратиши ёки унга қандайдир янги элементлар қўшиши, фавқуллодда, кутилмаган қарорлар қабул қилишида кўринади.

Креативлик – (луғавий жиҳатдан латинча “яратиш, бунёд этиш” сўзларидан олинган бўлиб, “ижод ва ижодкорлик” маъносида қўлланилади) ўқув материалидаги илмий муаммолар ечимини излаш, уларни ўзгача, ижодий ҳал этишга қаратилган саъйи-ҳаракатларнинг сифатий тавсифномаси ҳисобланади. Аксарият мутахассисларнинг тавсифига кўра, креативлик нарсаларни ўзгача кўра олиш, муаммоларнинг ноёб ечимини топа олиш қобилиятидир. Креативлик – ижодкорликка, ноодатий ва кутилмаган қарорлар чиқаришга, янги ғояларни қабул қилишга, қотиб қолган стереотипларни бартараф қилишга, ностандарт вазиятларда ечимлар топа билишга ва ҳайратланишга лаёқатлилик демакдир. П.Торренс креативлик тушунчасини киритиб, унинг қай даражада шаклланганлиги ўқув ва касбий фаолиятда шахснинг ташкилотчилик лаёқатига эга бўлишида намоён бўлишини кўрсатди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, агар интеллектнинг юқори коэффициенти креативликнинг юксак кўрсаткичлари билан тўлдирилса, инсон касбий ва бошқарув фаолиятида катта муваффақиятларга, ўзида ижодий-тадқиқотчилик лаёқатларини таркиб топтиришга эришади. Юқори интеллект коэффициентига ва креативликнинг қуйи даражасига эга кишилар технологияларни тўлиқ ўзлаштириб олсалар-да, катта муваффақиятга камдан-кам эришадилар. Яъни, ўз предметини аъло даражада биладиган профессор-ўқитувчи, ижодий хислатларни намоён қилмас экан, унинг меҳнат самаралари етарлича юқори бўлмайди.

Д.Гилфорд (АҚШ) тафаккурнинг икки типини ажратиб кўрсатади: булар конвергент (мантикий) ва дивергент, яъни мантикий тузилмага мос келмайдиган тафаккур типлардир. Конвергент тафаккур ёки мантикий фикрлаш орқали билимларни ижодий қўллаш лаёқати интеллект тестлари кўмагида аниқланади. Дивергент тафаккур эса креативлик тестлари кўмагида аниқланади.

Талабаларни шахс сифатида шаклланиши ва ривожланиши ўзига хос хусусиятларга эга. “Бу, энг аввало, уларда ўзини такомиллаштириш истагининг кучайиши ва ўқишга бўлган қизиқишининг ўсиши билан характерланади”. Талабалик даврининг энг муҳим хусусиятларидан бири мустақил фикр юритишга интилишнинг ривожланишидир. Шунинг учун ҳам бу даврда фақат назарий билим бермасдан, турли амалий вазиятларга муносабат билдиришни шакллантириш, кўпроқ изланиш, ижодий ёндашув, тафаккур ривожига эътибор қаратиш лозим. Жаҳон таълим тизимида фалсафа, сиёсатшунослик, психология ҳар бир фаннинг методологик асосида туради. Чунки барча фанлар назарий жиҳатдан фалсафий қонуниятларга асосланади. Шунингдек, илмий тафаккур ҳам инсон психологияси ва фалсафий қонуниятлар билан чамбарчас боғлиқдир.

“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети талаба-ёшларини илмий тадқиқот ишларини олиб боришга тайёрлаш, уларда илм-фаннинг жамият тараққиётига ҳисса қўшадиган долзарб йўналишларини тадқиқ этишга қаратилган кўникма ва малакаларни шакллантириш, фундаментал қимматга эга бўлган натижаларни қўлга киритиш учун талабаларда тадқиқотларга тизимли ва изчил ёндашишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Замонавий ирригаторларни илмий тадқиқот ишларига жалб этиш, уларнинг тафаккур доирасини кенгайтиришга, илмий дунёқарашларини чуқурлаштиришга, жамият тараққиёти қонуниятларини англаб этишларига ёрдам беради. Жамиятда бундай шахслар сафининг



кенгайиши соғлом фикрли, табиат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилувчи кадрларнинг шаклланишига олиб келади.

Етук кадр бўлиш ҳамиша креатив ёндашишни талаб қилади. У талабаларни ўз-ўзини реализация қилишлари, ўз ички имкониятларини аниқлашлари ва намоён этишларига қаратилади. Шунингдек, интеллектнинг юқори коэффиценти креативликнинг юксак кўрсаткичлари билан тўлдирилса, инсон касбий ва бошқарув фаолиятида катта муваффақиятларга, ўзида ижодий-тадқиқотчилик лаёқатларини таркиб топтиришга эришади.

Биламизки, қайси мамлакатда истеъдодли, фидойи ҳамда ижодкор кадрлар қанчалик кўп бўлса, ўша ерда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўзга ташланади. Келажагини ўйлаган давлат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кадрлар учун ижодий фаолиятга кенг йўл очиб беради. *Бу ўринда, ижодий фаолият ва ижодий жараёни атрофлича тушуниб олиши учун бу масаланинг психологик ва маънавий жиҳатларини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.*

Ҳар қандай ижод турини ижодий тафаккурсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ижодий тафаккурни эвристика тадқиқ этади. Эвристика ижодий фаолият ва ижодий жараёни ташкил этиш усуллари ва қонуниятлари билан шуғулланади. Эвристиканинг илдизи қадимги юнон фалсафасига бориб тақалади. Қадимдан юнон олимлари, кейинроқ мутафаккир аждодларимиз ҳам инсонларни тафаккур қилишга, ижодкорликка ҳамда яратувчиликка ундаганлар.

Замонавий ирригаторлардаги ижодий тафаккур мураккаб ақлий жараён ҳисобланиб, у бир неча босқичлардан иборат. Ижодий тафаккурда қўйилган савол кетидан шу саволнинг мураккаблигига қараб, дастлаб вазифа ифодаланади, сўнгра вазифани, масалани ечиш жараёни, яъни қўйилган саволларга жавоб қидириш жараёни бошланади. Шу ўринда, рус олими Л.С.Выгоцкий ижод муаммоси ҳақида шундай ёзган: *“Ижодий фаолият орқали биз янги бир нарса яратадиган одамнинг фаолиятини тушунагимиз, у нимани яратишининг фарқи йўқ, балки дунёда бирон-бир нарсани онги ёки ҳис қилиши орқали ўзини намоён қилишида акс этади.*

Креативлик кадрларнинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрлигини тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти маъносини ифодалайди. Психологияда талаба-ёшларнинг самарали ижодига тўсқинлик қилувчи омиллар ўрганилган. Табиийки, кадрларда ижодни уйғотадиган, фаоллаштирадиган ҳиссиётлар билан бирга уни тўхтатадиган омиллар ҳам талайгина. Замонавий ирригаторларнинг ижодий жараёнига тўсиқ бўладиган *“ижод муаммолари”*ни яхши билиб олиш иш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

*Ижоднинг биринчи муаммоси* – ҳадик, қўрқув. Ижодий салоҳиятга эга бўлган талабалар кўп ҳолларда муваффақиятсизликдан ҳадиксирайди ҳамда ижодий фаолиятни бошлай олмайди. Муваффақиятсизликдан қўркиш ижодкор талабаларнинг хаёли, ижодий тафаккури ҳамда ташаббусини *“кишанлаб”* қўяди.

Ҳаётда муайян натижага эришиш учун ҳар бир кадр қўрқмас ва жасоратли бўлиши керак. Одатда, талабаларнинг ўйлаб қўйган режалари, кўнглига тугиб қўйган кўплаб ғоялари бўлади. Баъзи талабалар муайян ғояни амалга оширишни кейинга қолдираверадилар, баъзилари эса бошлаб қўйиб, охирига етказмайдилар. *Бунёдкорлик талаба-ёшлардан билим, тажриба ва истеъдоддан ташқари шижоат, қатъият, чидам, керак бўлса, заргарларга хос ичи кенглик ҳамда аниқликни талаб этадиган меҳнатдир. Ишида муваффақият кузатилмайдиган талабаларда айнан шу сифатлар етишмайди.*

*Ижоднинг иккинчи муаммоси* – ўз-ўзига танқиднинг ҳаддан зиёд бўлиши. Истеъдод билан ўз-ўзига танқид ўртасида мувозанатнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ўз-ўзига баҳонинг пастлиги ижодий тўсиққа олиб келиши мумкин.

*Ижоднинг учинчи муаммоси* – дангасалик, ялқовлик. Кўп ҳолларда ижодкор талабалар вазифа ечимини излашда жараёни бошлашга эринади. Бу хусусият табиийки, самарали ижод қилишга тўсқинлик қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ижодий жараёнда юзага келган муайян масала ечимини дарҳол топиш истаги ҳам ижодий жараёнга тўсиқ бўлиши мумкин. Масалан, бадий асар яратиш вақтида айрим ҳолларда ижодий тўсиқ вужудга келиб, қалам *“тўхтаб қолиши”* мумкин. Ижодкор талаба



пайдо бўлган муаммони ҳал этишнинг анъанавий йўли олдидан кета олмай қолади. Бу тафаккур ригидлигидир. *Ригидлик – фикрлашда, ҳис ва ҳаракатларда мослашувнинг, эпчилликнинг, чаққонликнинг этишмовчилиги.* Бундай ҳолатдан ижодкор талабани ностандарт фикрлаш ҳамда вазиятдан чиқишнинг янги-янги йўллари кидириб топиш қутқара олади.

Жамиятнинг маънавий даражаси унда истеъдодли, зиёли, ижодкор талабаларнинг кадрланиши ҳамда уларнинг илмий-ижодий ишларига ҳар томонлама ёрдам берилиши билан белгиланади. Юксак маънавиятли жамиятларда истеъдод эгалари бўлган ижодкор кадрлар миллатнинг ифтихори ва келажаги ҳисобланади. Ўзбекистонда миллий тараққиётнинг янги босқичида университет талаба-ёшларининг фаоллигини, ижодкорлигини ошириш лозим.

Ушбу муаммолар қатори жамиятда таълим соҳасидаги баъзи бир камчиликлар талаба-ёшлар орасида ишсизликни кенгайтишига сабаб бўлмоқда, десак муболаға бўлмайди. Чунки олий ўқув юртларидан иш ўрни яратадиган кадрлар эмас балки, фақат иш излайдиган кадрлар этишиб чиқишига олиб келмоқда. Бу эса жамиятда баъзи муаммоларни юзага келтирди. Шу боисдан бугунги кунда мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таълим сифатига катта эътибор бермоқда. Ҳатто, “уюлмаган ёшлар” тушунчалари ҳам оммалашди. “Уюлмаган ёшлар” атамаси ўз мақсадини индивидуал тарзда, давлат ва жамиятда яратилган имкониятлардан фойдаланмасдан, нофаол (примитив) тарзда самарасиз амалга ошираётган ёшларга нисбатан қўлланилади. Бу тоифадаги ўғил-қизлар ўзининг эртанги кунини давлат ва жамият манфаати билан уйғунлаштириш кўникмасига эга бўлмайди.

Ёшларга муаммо сифатида қараб сиёсат олиб борадиган мамлакатлар ҳукумати фақат тарбияси оғир ва ҳуқуқбузарликка мойил ёшлар билан ишлайди. Бунда давлатнинг мақсади фақат уларни ҳуқуқини таъминлаш имконини яратиш бўлади. Талаба-ёшларга ресурс сифатида қараб олиб бориладиган сиёсат – бу ўз ҳуқуқлари, қобилиятларига эга тўлақонли фуқаролар сифатида кадрлаш ва уларнинг имкониятларини янада кенгрок намоён этиш учун шароитлар яратиш. Ушбу ёндашув уларнинг мустақил меҳнат ва ижод қилишини рағбатлантиради ҳамда танқидий-тахлилий мушоҳадасини кучайтиради, жамият тараққиёти учун хизмат қилишга ундайди. Бундай сиёсат ҳамма талаба-ёшларга мақсадли гуруҳлар сифатида қарайди. Жаҳон тажрибасида ҳам талаба-ёшларга ресурс сифатида, уларни маҳаллий ҳамжамиятларнинг мулки ёки фаол ўзгаришлар агенти сифатида қаралса, улар ўзларининг барча қувватини, энтузиазм, ғояларини жамиятни янада такомиллаштиришга йўналтиришади.

Замонавий ирригаторларни қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида давлат ва жамият аҳамиятига молик қарорлар қабул қилинишида жалб этиш, уларда қабул қилинаётган қарорлар учун дахлдорлик, жамоавий масъулият ҳиссини шакллантиради. Ирригаторлар қабул қилинган қарорлар учун масъулиятни ҳис қилганда уларни амалга ошириш яна ҳам енгиллашади ва ўша сиёсатни ўзлари қўллаб қувватлайди ва муваффақиятли амалга ошишини таъминлайди.

Жамиятда мавжуд бўладиган иррационал ишончнинг тараққиётга салбий таъсири мавжуд. Эрих Фромнинг таъкидлашича, иррационал ишонч – бу бирор ғояни жамоа ёхуд қандайдир обрўли шахс ҳақиқат деб ҳисоблагани учун ҳақиқат деб қабул қилиш. Иррационал ишонч шахснинг ижодий пассивлигига асосланиб, ҳурликка ҳам, ижтимоий янгиликка ҳам интилмайди. Иррационал ишонч нимагадир ёки кимгадир мутаассибона (фанатик) ихлос қилишдирки, унинг моҳияти шахсга тегишли ёки шахсдан ташқарида турувчи иррационал обрўга бўйсунилган иборат. Рационал ишонч – ўз кузатишларига ва мушоҳадаларига асосланган. эътиқод мустақиллиги (Э.Фром). Рационал ишонч шахснинг фаол ҳаракатига, яратувчилигига асосланади, янгиликларга, ранг-барангликка, мавжуд ҳолатни ўзгартиришга интилади. Шу боисдан замонавий ирригаторларда рационал ишончни шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш лозимдир.

Замонавий ирригаторларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш бўйича вазифалар қуйидагилардан иборат:

- талабаларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини мувофиқлаштирган ҳолда, замонавий тарбия технологияларни ўзида мужассам этган лойиҳалар тайёрлаш ва улар ўртасида намойиш қилиш;

- талабаларни турли муаммолар юзасидан тезкор ва мақбул фикр юритишга тайёрлаш;
- талабаларни мустақил фикр билдира оладиган шахслар сифатида тарбиялаш;
- талабаларда зукколик, хушёрлик, сезгирлик хусусиятларини шакллантириш;
- университетда талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ва кўнгилли ўтказиши учун

барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

- талабаларни ўз ташаббуслари билан нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида иштирок этишга ўргатиш.

Бугун кадрлар тафаккурини соғломлаштириш келгуси жамиятнинг соғломлигини таъминловчи омил ҳисобланади. Шундай экан, талабаларнинг кайфиятлари, орзу-умидлари, ҳаётий мақсадлари, интилишларини илмий ўрганиш, улардан турли хулосалар қилиш, уларнинг интилишларини ижобий ва бунёдкорлик ишларига йўналтиришга эришиш ўта долзарб стратегик вазифалардан ҳисобланади.

Шу билан бирга замонавий ирригаторлар ўртасида мижозлар билан ишлаш малакаси ва касбий кўникмаларни шакллантириб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қуйида ирригация соҳасида фаолият олиб боровчи касб эгалари билишлари керак бўлган муҳим тамойиллар кўрсатилган.

- инсонпарварлик тамойили (инсонни олий қадрият деб тан олиш);
- адолатлилик тамойили (шахс қобилиятларини амалга ошириши учун шарт-шароит яратиш ва тенг ҳуқуқлилик);
- ишонч тамойили (мижоз ва ходим ўртасидаги ўзаро ишончли муносабат);
- профессионаллик тамойили (ўз мутахассислиги бўйича чуқур билимга эга бўлиш);
- конфиденциаллик тамойили (сир сақлай олиш, мижоз тўғрисидаги маълумотларни ошкор этмаслик);
- инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳурмат қилиш тамойили (мижоз ким бўлишидан қатъий назар уларни ҳурмат қилиш ва қабул қилиш);
- касбий ҳамкорлик тамойили (нафақат мижозлар билан балки, мурожаат қилувчига бевосита ёрдам кўрсатиш мақсадида тегишли вазирлик, идора ва муассасалар билан амалий ҳамкорлик);
- масъулиятлилик тамойили (мижоз ҳақида ғамхўрлик қилиш, эътиборлилик).

Ўйлаймизки, келгусида истиқболли ирригация соҳасини ривожлантириш орқали мамлакатда сув хўжалиги хизматларига замонавий йўналишларни киритиш, ташкилотлар билан ишлашда ирригаторларнинг малакасини янада ошириш ва уларнинг амалиётини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу каби олдимизда турган вазифаларни амалга оширишимиз энг аввало етишиб чиқаётган ёш ирригаторларни эртанги кунларида ўз ўринларини топишларида хизмат қилишини доим ёдда тутмоғимиз даркор.

Бугунги кунда замонавий ирригаторларни сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш ҳам муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Мамлакатда фуқаролик жамияти куришнинг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири талабаларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга кенг жалб этишни тақозо этади. Чунки талаба-ёшлар жамиятнинг фаол қисми сифатида сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига бевосита таъсир этувчи сиёсий ва ижтимоий муносабатларнинг субъектидир. Сиёсий ва иқтисодий тизимнинг трансформацияси натижасида қадриятлар йўналишининг таназзули аҳолида янги сиёсий маданиятни шаклланиши билан бирга сиёсий ижтимоийлашувининг янги тизимини яратишни талаб этади. Сиёсий ижтимоийлашув эса ўз навбатида барқарор сиёсий тизим, сиёсий тажриба, қадрият ва меъёрларни янги авлодга етказиш ва сақлаб қолишни таъминлайди.

Замонавий ирригаторларнинг сиёсий маданияти даражасини юксалтириш, сиёсий жараёнларда уларнинг ўрни ва ролини тушунтириш соҳасини кенгайтириш ўта муҳим масала бўлиб, талаба-ёшларнинг сиёсий билимларини ошириш, уларда ватанпарварлик ҳиссини



кучайтиришда вакиллик органлари имкониятларини тўлиқ ишга солиш заруруриятини юзага келтиради.

Мамлакатда амалга ошириладиган сиёсий жараёнларнинг характери айнан кадрларнинг сиёсий фаоллик даражаси билан белгиланиб, жамиятнинг барқарорлигида акс этади. Бу борада ёшларнинг электорал хулқ-атвори ва сиёсий жараёнларда иштирокини дастлаб тадқиқ этган олим *А.Зигфрид фикрича*, талаба-ёшларнинг сиёсий қарашлари шаклланишига, сиёсий фаоллигига мамлакатнинг тарихий ривожланиш хусусияти, социал структура, диний қарашлар, ташқи муҳит каби омиллар таъсир кўрсатади. Талаба-ёшлар доим жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий жабҳаларида фаол ва динамик ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида бошқаларга қараганда, ҳаётда ўз ўрнини топиши мобайнида янгидан янги ижтимоий ролларни ўзлаштириб, ўзининг ижтимоий мавқеини ошириб боришга йўналганлиги билан ажралиб туради.

Талаба-ёшларнинг сиёсий фаоллиги асосан “*сиёсий иштирок*” тушунчаси билан ифодаланади. “*Сиёсий иштирок*” – давлат сиёсатини амалга ошириш ёки сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида индивидуал ёки гуруҳий таъсир қилиш мақсадида ижтимоий-сиёсий жамиятнинг аъзоси сифатида ҳаракат қилишдир. *Л.Милбрас* субъектнинг сиёсий фаоллигини куйидаги типларга ажратади:

– “*томошабин фаоллиги*” – сиёсий таъсирларга нисбатан роль бажариши, овоз бериши ва ҳоказо;

– “*ўтиши фаоллиги*” – сиёсий партияларнинг лидерлари ва ҳокимият вакиллари билан мулоқотда бўлиши, йиғилишлар, митингларда иштирок этиши;

– “*гладиатор фаоллик*” – сиёсий кампанияларда иштирок этиши, сиёсий партия фаоли ёки ҳокимият органлари, сиёсий партияда раҳбарликка номзод ролини бажариши.

*Ж.Т.Тоценко* жамиятнинг сиёсий ҳаётида талаба-ёшларнинг иштирокини “*уларнинг жамиятдаги ўрни ва роли, шахсий ижтимоий аҳволи ва уни амалга оширишда анланган хусусиятларида акс этувчи гуруҳий манфаатлари консолидация (муштаҳкамлаш, бирлаштириши)сининг асосий шакли*” сифатида кўриб чиқади. Бунда муаллиф сиёсий, иқтисодий, ижтимоий омилларнинг таъсирида талаба-ёшларнинг айни ҳолатда ўзини англашини назарда тутди. Жамиятнинг сиёсий ҳаётида фаоллигини намоён этиш даражасига кўра, сиёсий иштирокни “*реал*” ва “*формал*”га ажратади. Талаба-ёшларнинг реал сиёсий иштироки ўз сиёсий ҳуқуқларини турли усул ва шаклларда ифодалашида кузатилади ва бу нафақат вақтинча, балки доимий амалга ошади. Агар бунинг акси бўлса, унда бу каби сиёсий иштирок формал саналади. Шунингдек, мамлакат фуқароси сифатида талаба-ёшларнинг жамият сиёсий ҳаётида кенг жалб этилишини икки ўзаро шартлашган даража: инструментал ва вербал-эмоционал даражага ажратади. *Инструментал даража* – ўз манфаатларини ҳимоя қилишда нафақат маҳаллий, балки мамлакатнинг сиёсий ҳаётида бевосита фаол фуқаро сифатида иштирок этишдир. Бу даража унинг электорал (сайловчи) фаоллигини, яъни маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари, сиёсий партиялар ва ижтимоий ташкилотлар фаолиятида иштирокини тақозо этади. *Вербал-эмоционал даража эса* – мамлакатда кечаётган сиёсий жараёнларга субъектнинг қисман ўз манфаатлари даражасида иштирок этиши ёки аксинча жамият ижтимоий ҳаётдан йироқда бўлиш билан характерланади.

Талаба-ёшларнинг сиёсий хулқ-атвори, сиёсий фаоллик даражасига ташқи омил сифатида мамлакатдаги мавжуд сиёсий муҳит, сиёсий маданият шунингдек, объектив ижтимоий-иқтисодий шароит таъсир қилса, ички омил сифатида эса ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида талаба-ёшларнинг хусусияти таъсир кўрсатади. Замонавий талабаларнинг сиёсий хулқ-атвори, сиёсий жараёнларда иштирокини ўрганиш мақсадида Бутунроссия ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари уларнинг сиёсий хулқ-атвори сиёсий билимлари ва сиёсатда иштироки малакасининг ривожланганлиги билан характерли эканлигини кўрсатган. Мазкур тадқиқотда талаба-ёшлардан “*Сиёсатга қизиқасизми?*”, деб сўралганда, уларнинг 37 % “*қизиқаман*”, 62 % эса “*бу соҳага қизиқмайман*”, 1 % “*жавоб беришга қийналаман*”, дея таъкидлаган. Сиёсатга қизиқишининг йўқлигига қарамасдан, ёшларнинг кўпчилиги “*Ҳаётингиз сиёсатга боғлиқми?*” саволига, 51



% “кўпроқ боғлиқ”, 23 % “унчалик боғлиқ эмас”, фақатгина 15 % эса “умуман боғлиқ эмас”, дея жавоб берганлар. Шунингдек, мазкур сўровда 90 % Россиялик ёшлар сиёсий маълумотларни телевидение ва радио орқали олишини айтиб, кўпроқ митинг ва намойишлар ўрнига виртуал сиёсий интернет-мушоҳадалар, сиёсий ток-шоуларни ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини билдирган.

Бундан ташқари, Петербург талабалари ўртасида Урал социологлари олиб борган тадқиқот натижалари сўнгги ўн йилликда талаба-ёшларнинг сиёсатга нисбатан муносабатининг ўзгарганлигини кўрсатган. Унга кўра, талаба-ёшлардан кадриятларини баҳолаш сўралганда, биринчи ўринда – “*моддий таъминот*”, иккинчи ўринда – “*касбга эга бўлиш*”, учинчи ўринда – “*оила қуриш*”, энг сўнгги ўринда 7.3 % “*сиёсий фаоллик*”, деб белгилаган. Мазкур ҳолатга сабаб сифатида уларнинг 38 % “*сиёсатда шахсий иштирок аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини*”, 26 % “*сиёсатчиларга ишонмаслигини*”, 19 % “*сиёсий жараёнларнинг натижадор эмаслигини*”, 10.6 % “*сиёсат билан айнан сиёсатчилар шугулланиши лозимлигини*”, 6.4 % “*бўш вақти йўқлигини*” билдирган. Бу кўрсаткичлар талаба-ёшларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилишда сиёсий партиялар ёки ёшлар ташкилотига аъзо бўлиш орқали сиёсий ҳаётда иштирок этишда зарурат йўқ, деган фикрни илгари суради. Аксинча, социологлар хулосасига кўра, олинган натижалар талаба-ёшларнинг сиёсий билим даражасини юқори эмаслигини кўрсатади. Шунга қарамадан, мазкур тадқиқотда иштирок этган талаба-ёшларнинг айримлари мамлакат сиёсий ҳаётида, шунингдек сайлов жараёнларида фаол иштирок этишга тайёрлигини билдирган.

2017 йилда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан ўтказилган “Ўзбекистон талаба-ёшларининг ижтимоий кайфияти ва сиёсий фаоллиги” номли тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистонлик талаба-ёшлардан “*Сиёсатга ва сиёсий соҳага қизиқасизми?*”, деб сўралганда, уларнинг 75.80 %и “*қизиқаман*”, 15.66 %и “*йўқ, қизиқмайман*”, 8.57 %и эса “*жавоб беришим қийин*”, дея таъкидлаган. Шу билан бирга, “*Мамлакатда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар фаолиятдан хабардормисиз?*”, деб сўралганда, 74.38 % “*ҳа*”, 13.88 % “*йўқ*”, 11.75 % “*жавоб беришим қийин*”, деб жавоб берган. Мазкур кўрсаткичлар бугунги кунда сиёсий соҳада юз бераётган ўзгаришлар кўпчилик қатори талаба-ёшларнинг ҳам эътиборини тортиб, сиёсатга қизиқиши, сиёсий партиялар фаолиятдан хабардорлигини кўрсатмоқда. Маълумки, жамиятда кўппартиявийлик, дин эркинлиги, сўз эркинлиги ўз ўрнида мамлакат сиёсий ҳаётида аҳолининг иштироки муаммосини келтириб чиқаради. Айнан шунинг учун ҳам, ҳар бир ирригатор сиёсий жараёнда иштирок этиши, сиёсий партияларнинг ўрнини аниқ тасаввур қилиши лозим, бу эса давлат ҳокимиятига муносабатда ўзининг қайси позицияда эканлигини, унда нимани ўзгартириши мумкинлиги ва ўзи учун тўғри хулоса чиқаришига ёрдам беради.

Албатта, олинган натижалар ўз навбатида талаба-ёшларнинг сиёсатга бўлган эҳтиёжи баланд бўлсада, уларнинг сиёсий фаолиятга кам жалб этилишини кўрсатади. Шу билан бирга, улардаги ижтимоий муаммоларининг мавжудлиги, шубҳасиз электорал фаоллигининг пасайишига олиб келади.

Айнан талаба-ёшлар сиёсий фаоллигининг суствлигини сиёсатчилар ва социал психология мутахассислари улардаги сиёсий хулқ-атворнинг бир қанча типларига боғлиқлиги билан изоҳлайди. Жумладан:

- *конформистик тип* – электорал фаоллик мотиви одатга айланган;
- *протест типи* – ҳаддан ортиқ ўзига эътибор тортадиган;
- *рационал тип* – амалдаги сиёсий реалликни яхши томонга ўзгартиришига ҳаракат қилувчи, ўз мамлақати келажаги учун масъул;
- *индифферент тип* – сиёсий пассивлик билан характерланади.

Айнан мана шу индифферент (бефарқ) тип бугунги кунда анча устунликка эга эканлиги қатор тадқиқотлар натижасида ўз аксини топган. Шундай экан, университет талаба-ёшларида сиёсий маданиятни ривожлантириш муаммосини ҳал этиш орқали жамиятда ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши биладиган ва ўз позициясини ҳимоя қила оладиган ирригаторларни шакллантиришга эришиш мумкин.



Шунингдек, замонавий ирригаторларда ассертив хулқни шакллантириш ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ассертивлик тушунчаси инглиз тилидан кириб келган бўлиб, “assert” феълининг ҳосиласи ҳисобланади. Ассертивлик ўзгаларнинг шахсиятини ҳурмат қилган ва уларнинг шаънига тегмаган ҳолда шахснинг ўз қараши, ёндашувида туриб, шахснинг ўз эркинлиги ва ҳуқуқини ишонч билан ҳимоя қила олишини англатади.

Ассертив шахс тушунчаси, шахсда мужассамлашган сифатни тавсифлаб, ташқи муносабат ва ўз хулқини эркин бошқара олишни англатади. Ассертив хулқ деганда эса, ўзаро муносабатларда мувозанатни таъминлаш учун энг макбул қарорни қабул қилиш тушунилади.

Шу боис, талаба ёшларда, ассертив хулқни шакллантириш ва бунга доир тадқиқотларда хулқ-атворнинг интегратив стратегияси ифодаланганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ижтимоий мослашувчанликни таъминлаш мақсадида ижтимоий-психологик тренинглари ўтказилган гуруҳларда ассертивлик юқори ифодаланиб, мослашувчанлик даражаси ҳам юқори ифодаланган бўлади. Ижтимоий-психологик тренинглари ўтказилмаган гуруҳларда мослашувчанлик ва ассертивлик даражаси пастлиги кузатилади. Демак, талабаларда ассертивликни шакллантириш, яъни ассертив хулқнинг асосий компонентларини тренинглари орқали таркиб топтириш мумкин экан.

В.Каппонининг таъкидлашича, ассертив хулқ қуйидаги компонентлардан таркиб топган:

- ўз хулқи учун масъулиятни зиммасига олиш;
- ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилишини намоён этиш;
- самарали мулоқот қила олиш;
- ўзига бўлган ишонч ва ижобий установкани намоён этиш;
- диққат билан тинглаш ва тушуниш маҳорати;
- музокара ва низоли вазиятларда муросаи мадорага эришиш;
- мураккаб вазиятлардан чиқишнинг осон йўллари топиш.

Ассертив хулқ ҳар бир талабанинг камолотга интилиши давомида эҳтиёж сифатида ифодаланиб, бу жараёнда саломатлик ва маънавий етуклик ассертив хулқнинг шаклланишида ижтимоий барқарорликнинг вужудга келиши билан ажралиб туради. *Т.Рогинскаянинг таъкидлашича, айнан эҳтиёж ассертивлик ва ассертив хулққа доир билимларни ўзлаштиришга асос бўлади.*

Кўпгина тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ассертив хулқни ҳар бир талаба ўзида намоён этиши, жабр ёки зуғум ўтказмаслик фалсафасини эътироф этган ҳолда, унга амал қилишига боғлиқ. Бу хулоса, талабаларнинг етук кадр сифатида шаклланиши, уларнинг маънавий камолотини таъминлаш жараёнида уни муҳофаза қиладиган муҳит низо, юқори агрессив хулқ ва зўравонликнинг турли кўринишларидан холи бўлишини тақозо этади.

*С.Медведеванинг таъкидлашича, бу жараёнда ассертивлик тренингдан фойдаланиш ижобий натижалар бериб, фаолият жараёнига, шу жумладан, ўқув фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади.*

Талабалар ўртасида ассертив хулқни шакллантириш жараёни самарали – барқарор кечишини таъминлаш учун:

1) фалсафа, психология, социология ва педагогика фанларини ўқитишда ассертивлик ҳақида маънавий-маърифий ахборотларни талабалар эътиборига етказиш лозим. Бунинг учун ижтимоий ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш тавсия этилади;

2) талабаларда ўзлари ва атрофидагилар билан тенг ҳуқуқли субъект эканлиги тўғрисидаги ижтимоий тасаввурни шакллантириш шарт;

3) шахс эркинликлари ва ҳуқуқларига оид мавзулар муҳокамасида талабаларнинг фаоллигини таъминлаш шарт. Бунинг учун психология ва педагогика фанларидан ўтказиладиган маъруза ва амалий машғулотларда мулоқотнинг турлари ва маданиятлараро ўзаро муносабатларни таъминловчи функцияси ҳақида аниқ маълумотлар етказиш тавсия этилади;

4) ассертив хулққа нисбатан талабаларда кадриятга асосланган ижобий муносабатни шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ахборот соатларини ўтишда барча



индивидуал хусусиятлар билан ҳар бир инсон қадрият сифатида ҳурматга лойиқ эканлигини уқтириш тавсия этилади;

5) талабаларга турли хил мавзуларда маълумот беришда, унинг эмоционал-ҳиссий мазмунига жиддий эътиборни қаратиш лозим. Бунинг учун эмоцияларни намоён этиш психотехникасидан фойдаланиш тавсия этилади;

6) таълим жараёнида ўзини англаш, ассертив хулқни ўрганиш учун қулай ижтимоий муҳит яратилиши лозим;

7) реал ҳаётда ассертив хулқнинг ўрни ҳақида тажриба алмаштириш тартибини татбиқ этиш лозим. Бунинг учун, таълимнинг гуманистик принципларига таянган, гуруҳларда иш юритишда когнитив-хулқий йўналиш ғояларига асосланган, талаба-муҳит, талаба муносабатларининг ўзаро алоқадорлиги таъминланган, гуруҳда интерфаол таълим усулларида фойдаланган ҳолда ассертив хулқни шакллантириш тренингларини ўтказиш тавсия этилади.

Ҳозирги вақтда ассертив хулқни ўрганиш бўйича амалга оширилаётган тадқиқотларни ўқиб, даражага умумлаштириш мумкин. Булар интеллектуал, шахсий ва эмоционал даражалардир.

Интеллектуал даража деганда талабанинг ўз эркинлиги ва ҳуқуқини конструктив тарзда ҳимоя қила олиши, кучли ва кучсиз томонларини онгли равишда ўз муносабати ва ҳиссиётларини турли сатҳда ифода эта олиши тушунилади.

Шахсий даража талабанинг ўзига ва бошқаларга ишончи, қатъиятлилиги, мақсадга йўналганлиги, талабчанлиги каби ҳислатларни намоён этиши билан биргаликда унинг хулқида конгруэнтлик, яъни мақтов ва танқидларни ақл билан идрок этиш, бошқаларни ҳурмат қилиш каби фазилатларнинг таркиб топиши билан белгиланади.

Эмоционал даража талабанинг ўз ҳис-туйғуларини нутқи ва хатти-ҳаракатлари орқали аниқ-яққол ифода қилиши, босиқлик ва вазминлик билан ўз кечинмаларини намоён этиб, талаб ва истакларини очиқ баён эта олиши каби кўринишларда намоён бўлади.

Юқорида баён этилган фикрларни умумлаштириб қуйидаги хулоса ва тавсияларни тақдим этиш мумкин:

1. Замонавий ирригаторларнинг ижтимоий эркинлиги, қадриятларни эътиборга олиши, ўзларининг мақсад ва ниятларини очиқ билдириб, бошқаларнинг манфаатларини ҳурмат қилиши, ахлоқий меъёрларга амал қилиши, ўз хулқи учун маъсулиятни зиммасига олишини ривожлантириш.

2. Замонавий ирригаторларда ассертив хулқ – мустақил фикрлилик, дадиллик, қатъиятлилик, ўзига ишонч, ташқи таъсирларга берилмаслик, ўз устида ҳукм ўтказишга йўл қўймаслик ва маъсулиятни ўз бўйнига олиш каби ижтимоий-психологик хусусиятларнинг намоён бўлишини такомиллаштириш.

3. Замонавий ирригаторларда дадиллик ва проактив позициянинг намоён бўлиши ижтимоий муносабатлар тизимида шахсий ва касбий муаммоларни ажрата олиш ҳислатининг барқарор ва изчил тарзда ривожланишини таъминлаш.

4. Замонавий ирригаторларда субъектив назоратнинг юқори даражаси, яъни интерналлик, шахсий фаоллик, компетентлик, интилувчанлик, вазиятларни бошқара олишига ишонч, ҳаёти учун масъуллигини ҳис қила олишларини шакллантириш ва ривожлантириш.

5. Замонавий ирригаторларда ассертив хулқнинг ижобий ўсишини таъминлашга мўлжалланган махсус коррекцион дастур ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилса, улардаги лидерлик сифатларини янада кучайтириш имконияти очилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб



- халкимиз билан бирга курамыз. /<https://uza.uz/uz/posts/erkin-va-farovon-demokratik-zbekiston-davlatini-mard-va-olizh-14-12-2016>.
2. Выготский Л.С. Психологические основы творческой деятельности // Свободное развитие личности школьника: Философские и психолого-педагогические основы образования / Сост. В. И. Аксенова, Р. Г. Карандашова. Ставрополь. СКИПКРО. 2000. с. 97
  3. Шамшетова А.К., Сулетбаева Э.С., Ержанова М.К. “Таълим муассасаларида суициднинг психопрофилактик чора-тадбирларини ташкил этиш”. // Нукус. 2015 й. 12-б.
  4. Вальтер Андреас и др. (2002), стр. 28-29. <http://www.iris-egris.de/yoyo/pdf/YoyoWP1StateofArt.pdf> (последний доступ – апрель 2009 г.).
  5. Finn Yrjar Denstad. Youth Policy Manual. Council of Europe Publishing. September 2009. p.17.
  6. Руководство помолодежной политике. Совета Европы. Страсбург. 2015 г. с.
  7. Фром Э. Психоанализ и этика. М., 1993, с. 159.
  8. Milbrath L.W. Political Participation. Chicago: Rand McNally, 1965.
  9. Политическая социология / под ред. Ж.Т.Тощенко. М.: ЮНИТИДАТА, 2002. С.222.
  10. Положение молодежи в России. Аналитический доклад. — М., 2015.
  11. Зырянов С. Г. Работающая и студенческая молодежь Челябинска: социальное самочувствие, про-фессиональные и жизненные планы [Текст] / С. Г. Зырянов, Е. А. Терещук. — Челябинск: Челябинский институт (филиал) ФГОУ ВПО «Уральская академия государственной службы», 2019. — 193 с.
  12. “Ўзбекистон талаба-ёшларининг ижтимоий кайфияти ва сиёсий фаоллиги” номли тадқиқот. Ш.Султанова. 2017 йил.
  13. Молодой учёный». № 14 (148). Апрель 2017 г. Соколова Е.С. Социальная активность современной российской молодежи // Знание. Понимание. Умение, 2011. № 1. С. 197–202.
  14. Рогинская Т.И. Синдром выгорания в социальных профессиях // Психологический журнал. 2002. Т. 23. № 3
  15. Каппони В., Новак Т. “Как делать все по-своему, или ассертивность – в жизнь!” – Санкт-Петербург: Речь, 1995. – 232 с.
  16. Рогинская Т.И. Феномен сопротивления адаптирующим воздействиям: Автореф. дис. .д-ра псих. наук. Электронный ресурс. -СПб., 1995.- 33 с.
  17. Медведева С.А. Развитие ассертивности будущих практических психологов в процессе их профессионального становления // Дисс...кан.. психол.н. - Киев: ГВУЗ «Университет менеджмента образования». 2010. – С.45-49.
  18. Абдумаджидова Д.Р. Педагогик фаолият тизимида ассертивлик ва ассертив хулк талқинлари. // Педагогика. ТДПУ. Илмий-назарий ва методик журнал. № 5. Тошкент, 2016. – Б.35-41.